Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

2020 ЙИЛ – ИЛМ, МАЪРИФАТ ВА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2020 йил 14 ноябрь, № 241 (7743) Шанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ҚАШҚАДАРЁДА БАРЧА СОҲАЛАРДА ВАЗИЯТ ТУБДАН ЎЗГАРИШИ КЕРАК

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев пандемия шароитига қарамай, иқтисодиётни тиклаш ва ривожлантириш, одамлар ҳаётини яхшилаш борасидаги ишлар билан танишиш мақсадида 12-13 ноябрь кунлари Қашқадарё вилоятида бўлди.

Давлатимиз раҳбари ташрифнинг иккинчи куни Қарши шаҳрида вилоят фаоллари, маҳаллий Кенгаш депутатлари, вазирлик ва идоралар раҳбарлари иштирокида йиғилиш ўтказди.

Тадбир бошида вилоятнинг иқтисодий-ижтимоий ҳолати танқидий таҳлил қилинди.

— Бу ерга келишимдан асосий мақсад — сизлар билан бирга ҳудуд ривожига кучли туртки бериш бўйича аниқ вазифа ва чора-тадбирларни белгилаб олиш. Қашқадарё ўзининг салоҳиятига мос яшамаяпти, мамлакатимизнинг кўпгина ҳудудларидан анча орқада, — деди давлат раҳбари.

Бу замин улкан имкониятларга эга. Лекин унинг иқтисодиёти ва ижтимоий соҳалар ахволи бунга мутлақо мос эмас. Охирги 10 йил ичида вилоятнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 9,4 фоиздан 7,1 фоизга, саноатдаги улуши эса 11 фоиздан 6 фоизга тушиб кетган.

— Аҳоли жон бошига ялпи ҳудудий маҳсулот мамлакатимиздаги энг паст кўрсаткичлардан бири. Қашқадарё эли шунга муносибми? — дея савол қўйди Президент.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришда илмий асос ва инновацион ёндашув йўқ, вилоят иқлим шароитига мос янги навлар яратилмаган. Ўтган йили пахта ҳосилдорлиги гектарига 19 центнерни ёки юртимиздаги энг қуйи кўрсаткични ташкил этган. Қишлоқ хўжалиги техникалари етишмайди. Маҳсулотларни қайта ишлаш даражаси ҳам паст.

Шавкат Мирзиёев ҳудуддаги ирригация ва мелиорация ҳолатини кескин танқид қилди. Нотўғри суғориш оқибатида ерларнинг 45 фоизи шўрланган. Айниқса, бу борада Муборак, Ғузор, Нишон ва Косонда аҳвол жуда оғир. 38 минг гектар майдон фойдаланишдан чиқиб кетган. Томчилатиб суғориш жами суғориладиган майдоннинг бор-йўғи 2,4 фоизида жорий қилинган.

Аҳолининг ичимлик суви таъминоти вилоят бўйича 50 фоизни, хусусан, Косонда 26, Деҳқонободда эса атиги 4 фоизни ташкил қилади. Қувурларнинг 60 фоизи таъмирталаб бўлиб қолган. Қарши шаҳрининг канализация тизими ҳам эскирган. Автомобиль йўлларининг 8 минг 700 километри яроқсиз ҳолга келган.

Таълим ва тиббиёт сифати масаласига тўхталиб ўтилди.

Вилоятнинг 88 мактабида “смена” кўрсаткичи юқори экани, бир нечта мактаб филиали биноси пахсадан қурилгани кўрсатиб ўтилди. Қашқадарё ёшлари олий таълимга кириш кўрсаткичи бўйича мамлакатда 13-ўринда. Бу йил 191 та мактабнинг бирорта ҳам битирувчиси олий ўқув юртларига кира олмаган.

Тор соҳалар бўйича 257 та, бирламчи бўғинда 855 та шифокор етишмайди. Ҳудудда қўшимча 18 та оилавий поликлиника ва 30 та оилавий шифокорлар пунктига талаб мавжуд. Ҳар бир оилавий поликлиникага ўртача 25 — 30 минг нафардан фуқаро тўғри келиши лозим бўлса-да, вилоятда бу кўрсаткич 90 мингтани ташкил этади.

Йиғилишда шу каби муаммолар, мавжуд имкониятлар таҳлил қилиниб, Қашқадарёни комплекс ривожлантириш ва аҳолининг ҳаёт шароитини яхшилашга доир устувор йўналишлар муҳокама қилинди.

— Қашқадарёда барча соҳаларда вазият тубдан ўзгариши шарт. Бунинг учун вилоятда ҳамма имконият бор. Ҳамма уйғониши керак, — деди Президент.

Ҳокимларнинг таклифлари ва вилоятдаги муаммоларнинг таҳлилидан келиб чиқиб, тадбиркорлик асосий йўналиш этиб белгиланди. 2021 йил Қашқадарё вилоятида тадбиркорликни ривожлантириш йили, деб эълон қилинди. Бу борада манзилли ишлаш учун туман ва шаҳарларга вазирлар, тармоқ ва банклар раҳбарлари бириктирилди.

Давлатимиз раҳбари бугунги бозор талаби ва “ўсиш нуқталари”дан келиб чиқиб, туманларни муайян иқтисодиёт йўналишларига ихтисослаштириш зарурлигини таъкидлади.

Хусусан, Яккабоғ, Қамаши, Чироқчи, Шаҳрисабз ва Китоб туманлари боғдорчилик ва узумчиликка ихтисослаштирилади. Ғузор ва Муборак туманларида нефть, газ-кимё, Чироқчи ва Деҳқонобод туманларида қурилиш материаллари бўйича кўплаб корхоналар ташкил этиш мумкин.

Касби, Нишон, Миришкор ва Косон туманларини чорвачиликка ихтисослаштириб, йирик комплекслар ва кичик бўрдоқичилик фермалари ташкил этиш, озуқа базаси учун ер ажратиш вазифаси қўйилди.

Молия вазирлигига чорвачилик учун ўзлаштириладиган ер, боқилган ҳар бир бош қорамол учун субсидия бериш механизмини йўлга қўйиш топширилди.

Вилоятда 2021-2022 йилларда амалга ошириладиган, умумий қиймати 28 триллион сўм бўлган 950 та лойиҳа ишлаб чиқилган. Бу лойиҳалар натижасида 15 мингта янги иш ўрни яратилиши режалаштирилган.

Камбағалликни қисқартириш, ёрдамга муҳтож ва ишсиз аҳолига даромад манбаи яратиш чоралари кўриб чиқилди.

Мутасаддиларга келгуси йилда 50 минг гектар майдонда сув тежовчи технологиялар жорий қилиш бўйича топшириқ берилди.

Президентимиз аҳолини уй-жой билан таъминлаш, йўллар, ичимлик суви тармоқлари қуриш масалаларига алоҳида эътибор қаратди. Вилоятда марказлашган ичимлик суви билан таъминланиш даражасини 79 фоизга, хусусан, бу борада вазият оғир бўлган Ғузор туманида 50 фоизга етказиш вазифаси қўйилди.

Ёшлар ва аёллар манфаатларини таъминлаш масаласи чуқур таҳлил қилинди.

— Вилоятда ёшлар билан ишлаш бўйича янги тизим жорий этилади. Ҳокимлар ҳар ҳафтада бир кунни ёшлар билан ишлаш куни, деб эълон қилиб, уларнинг муаммолари билан шуғулланади, — деди давлатимиз раҳбари.

Ижтимоий ҳимояга муҳтож 2 минг 815 нафар аёлнинг турмуш шароитини яхшилаш, ишсиз хотин-қизларни “Устоз — шогирд” анъаналари асосида ҳунармандчиликка жалб этиш чоралари белгиланди.

— Биз танлаган йўл — машаққат йўли. Қашқадарё бўйича улкан режаларимиз бор, жуда катта маблағ бериляпти. Энди энг асосий вазифа ва талаб — шу маблағни тўғри йўналтириб, одамлар манфаати учун ишлатиш, яхши шароит яратиш, — деди давлатимиз раҳбари.

Шундан сўнг Президент Шавкат Мирзиёев Қарши шаҳрининг Наво маҳалласида қурилаётган янги тураржойларни кўздан кечирди.

Бу ҳудудда жами 39 та кўп қаватли уй барпо этилиши режалаштирилган бўлиб, беш босқичда амалга оширилади.

Айни пайтда биринчи босқичда 16 қаватли 3 та тураржой қуриб битказилган.

Қайд этиш керакки, шу пайтгача вилоят ҳудудида 7 қаватдан баланд уй қурилмаган. Шу сабабли бунёдкорликда сейсмология ва архитектура талабларига алоҳида эътибор қаратилган. Сифатли, энергия тежовчи материаллардан фойдаланилган. Хонадонларнинг ҳар бирига алоҳида сув иситиш қозони ўрнатилган.

Давлатимиз раҳбари уйларнинг қурилиш технологияси ва сифатига эътибор қаратди. Ёнғин хавфсизлигини, коммунал хизматлар барқарорлигини таъминлаш бўйича қўшимча кўрсатмалар берди.

Ҳудуд ободонлаштирилган, болалар майдончаси ташкил этилган. Яна 4 та 16 қаватли уйни келаси йил март ойида фойдаланишга топшириш мўлжалланган.

Шунингдек, 1 минг 680 ўринли мактаб, 2 та мактабгача таълим муассасаси, поликлиника, супермаркет, спорт майдонлари, истироҳат боғи ва бошқа объектлар барпо этилади.

Бу ерда автомобиль йўллари қуриш ва таъмирлаш, Қарши шаҳрида иситиш, ичимлик суви ва канализация тармоқларини модернизация қилиш чора-тадбирлари тақдимоти ўтказилди.

Шу билан Президент Шавкат Мирзиёевнинг Қашқадарё вилоятига сафари якунланди.

Матназар ЭЛМУРОДОВ,
Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,
ЎзА мухбирлари.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати сурати.

Таҳлил

УЗОҚ КУТИЛГАН ТИНЧЛИК ЙЎЛИДАГИ САЪЙ-ҲАРАКАТЛАРНИ БИРЛАШТИРИШ — МУҲИМ ВАЗИФА

Ўзбекистон раҳбарининг ташаббуслари ШҲТнинг афғон сиёсатида янги саҳифа очмоқда.

Маълумки, Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев “ШҲТ — Афғонистон” мулоқот гуруҳи доирасида Афғонистоннинг ижтимоий-иқтисодий тикланишига кўмаклашиш бўйича амалий чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш тўғрисида таклиф билдирди. Бу Шанҳай ҳамкорлик ташкилоти мамлакатларининг Афғонистонда узоқ кутилган тинчликка эришиш йўлидаги саъй-ҳаракатларини янада жипслаштиришга хизмат қилади.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг ташаббуси Ўзбекистон Республикаси қўшни давлатда узоқ муддатли ва барқарор тинчликка эришилишига содиқ эканлигини яна бир бор тасдиқлаши баробарида Афғонистонга нисбатан қатъий дўстлик сиёсатининг мантиқий давоми ҳисобланади.

Ўзбекистон ҳамиша Афғонистондаги вазиятни тартибга солишда Шанҳай ҳамкорлик ташкилоти муҳим роль ўйнаши тарафдори бўлиб келган. Зеро, ШҲТ кенг маконидаги хавфсизлик ва иқтисодий юксалиш ушбу жафокаш афғон замини тинчлиги ҳамда барқарорлиги билан бевосита боғлиқ эканлигига давлатимизнинг ишончи комил.

2

Парламент назорати

ТИЗИМДА МАСЪУЛИЯТНИ ОШИРИШ ТАЛАБ ЭТИЛАДИ

Нукус шаҳрида жиноятларни жиловлаш, жиноятчилик профилактикасини янада такомиллаштириш, одил судловни таъминлаш ва коррупциядан ҳоли ҳудудга айлантириш юзасидан ишлаб чиқилган “Йўл харитаси” лойиҳаси муҳокамасига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

Унда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Танзила Норбоева иштирок этиб, қонун устуворлигини таъминлаш, жиноятчиликнинг олдини олиш ҳамда коррупцияга қарши курашиш борасида ишчи гуруҳи аъзоларининг вазифаларига тўхталди.

Айтиш жоизки, давлатимиз раҳбари томонидан шу йилнинг 30 июнь куни ўтказилган видеоселектор йиғилишида одил судловни таъминлаш ва коррупцияга қарши курашиш борасида аниқ вазифалар белгилаб берилган эди. Ушбу йиғилиш баёни топшириқларини бажариш юзасидан ташкил этилган ишчи гуруҳ аъзолари томонидан Қорақалпоғистон Республикасида жиноятларни жиловлаш, жиноятчилик профилактикасини янада такомиллаштириш юзасидан 70 та банддан иборат, 13 та йўналиш бўйича “Йўл харитаси” лойиҳаси ишлаб чиқилган.

Шунингдек, тадбирларни амалга ошириш муддатлари аниқ белгиланиб, ҳар бир бандга тегишли вазирлик ҳамда идоралар раҳбарлари масъул этиб бириктирилди.

2

Давлат бюджети:

ПАНДЕМИЯ ХАРАЖАТЛАРИ ВА ИЖРО КЎРСАТКИЧЛАРИ — ДЕПУТАТЛИК КОРПУСИ ЭЪТИБОРИДА

Айни пайтда парламент қуйи палатаси депутатлари Давлат бюджетининг 9 ойлик ижроси ҳамда “2021 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги қонун лойиҳаси ва Бюджетномани дастлабки тарзда кўриб чиқишни бошлади.

Муҳокамаларда асосий эътибор ҳисобот даврида амалга оширилган ишлар, иқтисодий кўрсаткичлар, таҳлиллар ва натижаларга қаратилмоқда.

Мухбиримизнинг Қонунчилик палатаси Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитаси раиси Шарофиддин НАЗАРОВ билан суҳбати шу хусусда бўлди.

Бизнинг интервью

— Шарофиддин Ҳакимович, маълумки, жорий йил учун Давлат бюджети илк бор қонун сифатида қабул қилинди. Ушбу Қонуннинг ўтган 9 ойдаги ижросида қандай ўзига хос жиҳатлар кўзга ташланмоқда?

— Энг аввало, шуни эътироф этмоқчиманки, Президентимиз бошлаб берган ислоҳотларда, иқтисодиёт соҳасида туб ўзгаришлар айнан бюджет-солиқ соҳасида амалга оширилди ва ўзининг самарасини бера бошлади.

2020 йил учун қонун кўринишида қабул қилинган Давлат бюджети 9 ойлик ижросининг аҳамиятли жиҳатлари тўғрисида тўхталадиган бўлсак, аввало, Президентимизнинг Олий Мажлисга йўллаган мурожаатномаларида бюджет маблағларининг мақсадли ва оқилона сарфланиши устидан назоратни янада кучайтириш борасидаги аниқ вазифаларига эътибор қаратишимиз керак. Бунда бюджет ижросини нафақат тармоқлар ҳамда соҳалар, балки ҳар бир вазирлик ва идоралар кесимида чуқурроқ таҳлил қилиш, бу бўйича мутасаддиларнинг доимий ахборотларини эшитиб бориш талаб этилади. Бундан ташқари, бюджет харажатлари устидан назоратни кучайтиришда биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчилар томонидан ички аудит тизимини фаоллаштириш ҳамда масъулиятини ошириш лозим.

Давлат бюджети ижросининг аввалги йиллардагидан яна бир фарқли жиҳати шундаки, бюджетни қонун лойиҳаси сифатида шакллантириш ва ижросини муҳокама қилиш жараёнида шаффофликни таъминлашга катта эътибор қаратилаётганидадир.

3

Қонунчилик палатаси қўмитасида

БЕЛГИЛАНГАН МАҚСАДЛАР НАТИЖАДОРЛИККА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси, Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси ҳамда парламентда шакллантирилган ишчи гуруҳ ҳамкорлигида давра суҳбати ўтказилди.

Унда Президентимизнинг 2020 йил 6 ноябрдаги “Ўзбекистоннинг янги тараққиёт даврида таълим-тарбия ва илм-фан соҳаларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони, шунингдек, “Таълим-тарбия тизимини янада такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорида белгиланган вазифаларни ҳаётга татбиқ этиш масалалари муҳокама қилинди.

Мазкур ҳужжатларда назарда тутилган янги меъёрларни амалиётга самарали жорий этиш механизмлари Вазирлар Маҳкамаси қошидаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси масъуллари, Халқ таълими вазирлиги мутахассислари, Тошкент шаҳри, Наманган, Қашқадарё вилоятлари халқ таълими бошқармалари раҳбар ходимлари ҳамда илғор мактаблар директорлари иштирокида онлайн тарзда атрофлича таҳлилдан ўтказилди.

2

АСОСИЙ МАСАЛА – ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАРНИ СОДИР ЭТИШГА ИМКОН БЕРГАН САБАБЛАРНИ ЎЗ ВАҚТИДА БАРТАРАФ ҚИЛИШ

Андижонда Ўзбекистон Республикаси Гендер тенгликни таъминлаш масалалари бўйича комиссияси ташаббуси билан юртимизда гендер тенгликни таъминлаш борасида олиб борилаётган ишлар, муаммолар ва таклифларга бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Гендер тенглик

Давлат ҳамда нодавлат ташкилотлари раҳбарлари, сиёсий партиялар вакиллари, журналистлар ва блогерлар қатнашган тадбирда таъкидланганидек, хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш масаласига алоҳида эътибор қаратиляпти.

Вилоятдаги 1 миллион 544 минг хотин-қизнинг 650 минг нафарини 30 ёшдан ошган аёллар ташкил этади. Уларнинг даромад манбаи бўлишига эришиш, уй-жой билан таъминлаш, ҳуқуқий-ижтимоий ҳимоясини кучайтириш мақсадида ҳатлов ишлари ташкил этилган.

2

Халқ сўзи
www.xs.uz /xalqsuzi.uz @xs_uz
2020 йил 14 ноябрь

УЗОҚ КУТИЛГАН ТИНЧЛИК ЙЎЛИДАГИ САЪЙ-ҲАРАКАТЛАРНИ БИРЛАШТИРИШ — МУҲИМ ВАЗИФА

1 Бинобарин, 2004 йилдаёқ Ўзбекистон ШҲТга раис сифатида Афғонистоннинг собиқ президенти Ҳ. Карзайни Тошкентдаги саммитга таклиф этганди. Ўшандан буён ШҲТнинг бирорта саммити 2012 йилда кузатувчи давлат мақомини олган Афғонистон Ислом Республикаси раҳбарлари иштирокисиз ўтмаяпти.

2005 йил ноябрь ойида Пекинда расмийлаштирилган "ШҲТ — Афғонистон" мулоқот гуруҳини тузиш тўғрисидаги ташаббус 2004 йилда Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган ШҲТ давлатлари раҳбарлари саммитида илгари сурилгани ҳам рамзий маънога эга.

"ШҲТ — Афғонистон" мулоқот гуруҳининг ташкил этилиши Афғонистон Ислом Республикаси (АИР) билан қўшни давлатдаги мавжуд ҳарбий-сиёсий вазият, унинг минтақавий хавфсизликка таъсири, ШҲТ мамлакатларининг Афғонистонда тинчлик, хавфсизликни таъминлаш ва иқтисодий тикланишга кўмаклашиши, шунингдек, минтақавий ҳамкорликни кенгайтириш масалалари бўйича аниқ консультатив (маслаҳат) мулоқотни йўлга қўйиш имконини берди.

Ўзаро алоқаларнинг бундай формати шарофати билан аъзо давлатлар Афғонистондан келиб чиқаётган хатар ва таҳдидларни тўхтатиш, уларнинг ташкилот маконида тарқалишининг олдини олиш бўйича ҳамкорликни самарали мувофиқлаштириб келяпти.

Мулоқот гуруҳи доирасидаги мунтазам мулоқот ШҲТ майдонида Афғонистондаги вазиятни тартибга солишнинг асосий тамойиллари бўйича минтақавий муросага келишга туртки берди. Бу, ўз навбатида, АИРда тинчликни тиклашга нисбатан халқаро ҳамжамиятда умумий ёндашувларни шакллантиришда ҳал қилувчи аҳамият касб этмоқда.

ШҲТ доирасидаги мазкур муроса (консенсус) 2019 йил июнь ойида Бишкекда қабул қилинган "ШҲТ — Афғонистон" мулоқот гуруҳи "Йўл харитаси"да ҳам мустаҳкамлаб қўйилди. Зеро, шу асосда аъзо давлатлар Афғонистондаги вазиятни тартибга солишга оид асосий тамойилларга содиқ эканликларини маълум қилишди. Унда можарони сиёсий мулоқот йўли билан ҳал этишнинг муқобили йўқлиги ва афғонларнинг ўзлари бошчилигида инклюзив тинчлик жараёнини амалга ошириш, шунингдек, ушбу мамлакатда тинчлик ҳамда барқарорлик ўрнатиш, бутун минтақа хавфсизлиги ва барқарор тараққиёти учун Афғонистонда иқтисодиётни тиклаш муҳимлиги эътироф этилди.

"Йўл харитаси" ШҲТга аъзо давлатларнинг Афғонистон ҳукумати ва халқининг мамлакатда тинчлик, хавфсизлик, маданий-гуманитар ривожланиш ҳамда иқтисодий тикланишни таъминлаш йўлидаги саъй-ҳаракатларини қўллаб-қувватлашга тайёр эканликлари мустаҳкамланган сиёсий ҳужжатга айланди.

Айнан шунинг учун ҳам Афғонистонни ижтимоий-иқтисодий тиклаш бўйича қабул қилинган режа ШҲТнинг афғон сиёсатида, шубҳасиз, янги саҳифа очади ва мулоқот гуруҳи "Йўл харитаси" бажарилишини амалий босқичга олиб чиқади.

Биринчидан, ШҲТ доирасида ижтимоий, иқтисодий ва гуманитар дастурлар ҳамда лойиҳаларни амалга ошириш йўли билан Афғонистонга осойишта иқтисодиётни тиклаш бўйича ёрдам бериш борасидаги саъй-ҳаракатлар бирлаштирилади. Бу эса мазкур мамлакатда узоқ муддатли ва барқарор тинчликка эришиш, афғон можаросини тинч йўл билан ҳал этиш жараёнининг ижтимоий-иқтисодий пойдеворини яратишга хизмат қилади. Ўз навбатида, аҳоли учун муқобил даромад манбалари, Афғонистон фуқароларининг бунёдкорлик ва тинч ҳаётга ўтиши учун зарур рағбатлар яратилади.

Иккинчидан, Афғонистоннинг иқтисодий ривожланишини бирлашган ҳолда минтақавий қўллаб-қувватлаш мамлакат ҳукуматининг аҳоли олдидаги ўз ижтимоий мажбуриятларини бажариш бўйича лаёқатлилигини сақлаб қолиш, фуқароларнинг барқарорлик ва хавфсизликка бўлган энг зарур эҳтиёжларини қондириш, можородан кейинги даврда ҳам тинч йўл билан тараққий топишни таъминлашнинг муҳим шартига айланади. Юксалиб борадиган афғон иқтисодиётини яратиш қонун устуворлиги, инсон ҳуқуқларини таъминлаш, демократик институтлар, фуқаролик жамиятини шакллантириш ва давлат бошқарувини модернизация қилиш соҳасида 19 йил олдин бошланган ислоҳотларни давом эттириш кафолатига айланади.

Учинчидан, ШҲТ доирасида қўшма лойиҳаларни амалга ошириш ҳам Афғонистондаги вазиятни барқарорлаштириш, ҳам ушбу мамлакатнинг Евроосиё ҳудудидаги ўзаро алоқаларини таъминлашнинг асосий бўғини сифатидаги ролини тиклашга хизмат қилади. Бу, ўз навбатида, ШҲТ маконида Афғонистонда тез орада тинчликка эришиш бўйича муросани янада мустаҳкамлашга туртки беради. Бундан ташқари, режанинг самарали амалга оширилиши АИРни ҳамкорлик ва имкониятлар майдонига айлантирган ҳолда кўп томонлама ҳамкорликнинг намунали моделига айланиши мумкин.

Боз устига, Ўзбекистон етакчисининг ташаббуси ШҲТнинг афғон масаласини амалий ҳал этишдаги муҳим ролини мустаҳкамлаш учун имконият яратади. Бугунги кунда Афғонистондаги вазиятни тартибга солиш ва иқтисодиётни тиклаш бўйича кўплаб турли майдонлар ҳамда форматлар мавжуд. Бироқ уларнинг салоҳияти объектив ва субъектив сабаблар туфайли тўлиқ ҳажмда ишга солинмаяпти.

Шундан келиб чиқилса, ШҲТ афғон муаммоси ҳал этилишидан манфаатдор бўлган деярли барча мамлакатлар уюшган ноёб тузилма ҳисобланади. Булар Марказий Осиё давлатлари, Хитой, Россия, Покистон, Ҳиндистон (тўла ҳуқуқли аъзолар), Эрон (кузатувчи), Туркия (мулоқот бўйича шерик)дир.

ШҲТ салоҳияти Афғонистонда тинч иқтисодиётни тиклаш, мамлакатда узоқ муддатли ва барқарор тинчликка эришишга салмоқли ҳисса қўшиш учун етарлидир. Бугунги кунда ШҲТга аъзо давлатларнинг умумий ЯИМ дунё ялпи ички маҳсулоти таркибида 22,5 фоиз (18,4 триллион доллар)ни ташкил этмоқда. 2030 йилга келиб мазкур кўрсаткич 40 фоизга етиши кутиляпти. Тўғридан-тўғри хориж инвестициялари даражаси бўйича биринчи йигирматаликдан Хитой (иккинчи ўрин — 203,4 миллиард доллар) ва Ҳиндистон (15-ўрин — 41,2 миллиард доллар) каби аъзо мамлакатлар жой олган.

Бунга уйғун тарзда ШҲТ давлатлари афғон халқининг тинчлик ва юксалишга бўлган интилишини қўллаб-қувватлашда фаол иштирок этмоқда. Хусусан, улар Афғонистоннинг асосий савдо ҳамкорлари қаторидан жой олган. Савдо ҳажми 2019 йилда АИРнинг хориж давлатлари билан умумий савдо айланмасида 54 фоиз (олти миллиард доллар)ни ташкил этгани ҳам бунинг тасдиғидир. Агар Афғонистоннинг ШҲТнинг бошқа иштирокчилари — кузатувчи Эрон (2,5 миллиард доллар) ва мулоқот бўйича шерик Туркия (150 миллион доллар) билан савдоси инобатга олинса, у ҳолда - кўрсаткич 82,7 фоизга етади. Қолаверса, ШҲТ майдони афғон маҳсулотлари сотиладиган асосий бозор ҳисобланади. 2019 йилда ташкилот иштирокчиларининг афғон товарлари экспорти ҳажмидаги улуши 94,5 фоиз (688 миллион доллар)ни ташкил қилди.

ШҲТ мамлакатлари АИРнинг электрга бўлган 80 фоиз ва истеъмол буғдойи ҳамда унга бўлган 20 фоиздан ортиқ эҳтиёжини қондирган ҳолда энергетика ва озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда катта ёрдам кўрсатаётганликлари алоҳида эътиборга лойиқ.

Умуман олганда, Ўзбекистоннинг АИР ижтимоий-иқтисодий тикланиши бўйича режани қабул қилиш тўғрисидаги таклифи унинг асосий вазифаларига тўла мос келади. Зеро, унда ўзаро ҳамкорликда минтақада тинчлик, хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш ҳамда қўллаб-қувватлаш, иштирокчи давлатлар ўртасидаги ўзаро ишонч ва яхши қўшничиликни мустаҳкамлаш, уларнинг сиёсий, савдо-иқтисодий ҳамда маданий соҳалардаги самарали ҳамкорликка кўмаклашиши назарда тутилган. Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг Афғонистондаги вазиятни барқарорлаштиришда фаол қатнашиши ШҲТнинг минтақавий ва халқаро хавфсизликни таъминлашга салмоқли ҳисса қўшаётган масъулиятли кўп қиррали тузилма сифатидаги салоҳиятини мустаҳкамлайди ҳамда мақомини оширади.

Акрамжон НЕЪМАТОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институти директорининг биринчи ўринбосари.

Репортаж

ҚОНУН ИЖОДКОРЛИГИГА ЯНГИЧА ЁНДАШУВ

Депутатлар Яшнобод туманидаги технопарк ва ер усти ҳалқа метрополитени линияси билан танишди.

Қонун лойиҳаларини тайёрлаш, қонунчиликни такомиллаштириш, жамоатчилик таклифларини ўрганиш ва таҳлил қилишда парламент аъзоларининг иқтисодиёт тармоқлари — амалий жараён билан танишишлари муҳим аҳамиятга эга. Бу қонунларнинг пишиқпухта қабул қилинишига, соҳаларнинг мукаммал ҳуқуқий асосини яратишга, энг муҳими, ҳаётийлигини кафолатлашга хизмат қилади.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитаси ташаббуси билан бир гуруҳ депутатлар Яшнобод туманида барпо этилган технопарктаги янги замонавий техника ҳамда технологиялар билан яқиндан танишди.

Мазкур замонавий инновация технопарки Президентимизнинг 2017 йил 5 июндаги "Тошкент шаҳрининг Яшнобод туманида инновация технопаркини ташкил қилиш тўғрисида"ги Фармонига асосан бунёд этилган.

Ушбу ҳудудда 2020-2021 йилларда 17 та инвестициявий лойиҳа амалга оширилиши кўзда тутилган. Депутатлар дастлаб ҳудуддаги электрон газ ҳисоблагичлар ишлаб чиқариш лойиҳаси билан танишди.

— Мазкур лойиҳанинг рўёбга чиқарилиши натижасида 500 та иш ўрни яратилгани эътиборга молик, — дейди Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитаси раиси Ваҳобжон Муродқобилов. — Гувоҳи бўлганимиздек, лойиҳа доирасида уч турдаги янги маҳсулот, яъни электрон газ ҳисоблагичлар, газ босими регуляторлари ҳамда ҳимоя қутилари ишлаб чиқарилиши йўлга қўйилган. Электрон газ ҳисоблагичларга 5 йил кафолатли хизмат муддати татбиқ этилаётгани муносабати билан ҳамда эксплуатация жараёнида истеъмолчиларга қулайлик яратиш мақсадида сервис маркази, шунингдек, унинг негизида электрон газ ҳисоблагичларга хизмат кўрсатиш бўйича таълим берувчи ўқув маркази ҳамда Call-марказ ташкил этилган.

Шундан сўнг депутатлар шу йилнинг 29 август куни ишга туширилган яна бир инвестициявий лойиҳа — маиший совиткичлар ишлаб чиқариш жараёни билан танишди.

Маълумот берилганидек, ушбу лойиҳа Жанубий Кореянинг "Samsung Electronics Co." компанияси билан ҳамкорликда амалга оширилган бўлиб, умумий қиймати 62,1 миллион доллардан зиёдни ташкил этади. Натижада 1 минг 500 та иш ўрни яратилган.

Ўрта Осиёда ягона бўлган ушбу лойиҳанинг ўзига хос жиҳатларидан бири, бу — бир вақтнинг ўзида тўрт турдаги совиткичларни ишлаб чиқариш имкониятининг мавжудлигидир. Ишлаб чиқариш жараёни 70 фоизга автоматлаштирилгани ҳар 19 сонияда 1 та тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш имконини беради.

Ҳозирги кунда ушбу маҳмуада ўн турдаги 42 хил модификацияли совиткичлар ишлаб чиқарилади. Жорий йилнинг охирига қадар яна 6 та инвестициявий лойиҳани ишга тушириш режалаштирилган бўлиб, ҳудудда саноат кондиционерлари ва совитиш тармоқлари, форма ҳамда қолиплар, сув насослари, лифт ва эскалаторлар, "сендвич-панел"лар (ПИР қатламли), металл конструкциялар ҳамда кир ювиш машиналари ишлаб чиқарилади. Барча инвестициявий лойиҳаларни ишга тушириш натижасида 8 мингдан ортиқ иш ўринлари яратиш режалаштирилган.

Куннинг иккинчи ярмида халқ вакиллари Тошкент шаҳрида қурилаётган ер усти ҳалқа метрополитени линиясининг "Дўстлик-2" — "Қўйлиқ" участкаси бўйлаб ҳаракатланаётган янги ер усти метрополитен объектлари билан яқиндан танишди.

Маълумот бериб ўтилганидек, ер усти ҳалқа метрополитени линияси лойиҳага асосан 5 босқичдан иборат бўлиб, умумий узунлиги қарийб 55 км. 35 та метро бекати, 2 та депо ва 1 та техник кўрик пункти қурилади.

Бугунги кунга қадар мазкур лойиҳанинг биринчи босқичи, яъни "Дўстлик-2" бекатидан Қўйлиқ бозоригача бўлган йўналишида 11 километрли участка қуриб битказилган. Ушбу йўналишда поездларнинг ўртача юриш тезлиги соатига 60 километрни ташкил этади. Ҳалқа йўлининг тўлиқ ишга туширилишидан сўнг метро поездларининг ҳаракатланиш оралиқ вақти 4 дақиқадан иборат бўлиши режалаштирилган.

— Ер усти метрополитени фаолияти билан танишувимиз биз учун ҳар томонлама фойдали бўлди, — дейди Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитаси аъзоси Қаҳрамон Эргашев. — Чунки бу ушбу йўналишдаги қонунчиликни такомиллаштиришда муҳим ўрин тутади. Бинобарин, айни пайтда қуйи палатада "Транспорт тўғрисида"ги қонун лойиҳаси иккинчи ўқишга тайёрланмоқда. Давлатимиз раҳбарининг 2019 йил 1 февралдаги Фармони ижросини таъминлаш мақсадида янги таҳрирда ишлаб чиқилган ушбу ҳужжат лойиҳаси транспорт соҳасининг барча жабҳасини ўз ичига қамраб олгани билан аҳамиятлидир.

«Халқ сўзи».



БЕЛГИЛАНГАН МАҚСАДЛАР НАТИЖАДОРЛИККА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

1 Давра суҳбатида Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг ишчи гуруҳи ҳамда Халқ таълими вазирлиги мутахассислари Фармонда белгиланган вазифаларни ҳаётга татбиқ этиш бўйича таҳлилий мулоҳаза ва таклифларини билдирди. Хусусан, қуйи палатада меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга тегишли ўзгартириш ҳамда қўшимчалар киритиш, халқ таълими тизимида янги механизмларни жорий этиш зарурлиги таъкидланди.

Фармонга мувофиқ, 2022/2023 ўқув йилидан бошлаб умумий ўрта, ўрта махсус таълим муассасалари ва касб-ҳунар мактаблари битирувчиларининг шаҳодатномасига мажбурий 11 йиллик таълимнинг сўнгги 6 йиллик баҳолари ўртача кўрсаткичи киритилади ҳамда ушбу кўрсаткич олий таълим ташкилотига кириш имтиҳонларида инобатга олинади. Бунинг учун "Электрон кундалик" дастурини жорий қилиш белгиланган.

Депутатларнинг таъкидлашича, ушбу вазифани амалга ошириш учун мактабларда интернет билан таъминланиш даражаси юқори бўлиши керак. Акс ҳолда, кундаликка баҳони киритиш учун олис қишлоқлар мактаб ўқитувчилари туман марказига қатнаб сарсон бўлиш ҳолатлари ҳам кузатилиши мумкин. Бу билан мактабнинг информатика ўқитувчисига қўшимча иш юкламаси ҳам пайдо бўлади. Шу каби омиллар, албатта, инобатга олиниши керак.

Тадбирда педагогларнинг жамиятдаги мавқеини ошириш, ҳар томонлама ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришни ташкил этиш, мактаб директорларини тайинлаш, уларнинг фаолиятига баҳо бериш бўйича маҳаллий Кенгашларга дастур ҳамда ҳисоботларни тақдим қилиш мезонлари ва механизмлари ҳақида ҳам фикр алмашилди.

Таъкидлаш жоизки, келаси йил 1 январдан бошлаб, мактаб директорларини лавозимга тайинлаш бевосита маҳаллий Кенгашлар билан келишилган ҳолда, танлов асосида амалга оширилади. Ҳар бир номзод мактабнинг кўрсаткичларини келгуси уч йилда юқори даражага олиб чиқиш бўйича ўз дастури билан танловда иштирок этади ва ҳар йили Кенгашлар олдида ҳисобот беради.

Албатта, бу билан таълим-тарбия, илм-фанга интилиш бўйича жамиятда янги муҳит юзага келиши кўзда тутиляпти. Мактаблар фаолиятини янги асосда ташкил этиш, директорлар ишига ноқонуний аралашувлар ва кадрлар қўнимсизлигига барҳам бериш мақсад қилиняпти. Бироқ мактаб директорлигига номзоднинг тақдим этилаётган келгуси уч йиллик дастури айнан қайси мезонлар асосида баҳоланиши, туман Кенгаши депутатлари таълимни бошқариш ва директорнинг ҳисоботини баҳолаш мезонларини қай даражада билишига аниқлик киритиш зарурлигига ҳам эътибор қаратилди.

Давра суҳбатида Фармонда белгиланган вазифалар ижросини ташкил этишда юзага келиши мумкин бўлган муаммоли ҳолатларнинг олдини олиш, қулай ҳамда тушунарли тизим яратиш имкониятлари таҳлил қилинди. Миллий рейтинг индексини қайта кўриб чиқишда инобатга олиниши зарур бўлган масала ва мезонлар бўйича таклифлар берилди.

Раҳим ШЕРҚУЛОВ
(«Халқ сўзи»).

ТИЗИМДА МАСЪУЛИЯТНИ ОШИРИШ ТАЛАБ ЭТИЛАДИ

1 Президентимизнинг шу йил 2 октябрь куни Қорақалпоғистон Республикасига ташрифи чоғида белгилаб берилган топшириқлари асосида маҳаллаларда жиноят содир этишга мойил шахслар билан махсус профилактик тадбирлар ўтказилиб, ҳуқуқий-тарғибот ишлари олиб бориляпти. Ишсизлар бандлигини таъминлашда кам таъминланган фуқароларга ҳар томонлама ёрдам кўрсатиб келиняпти. Бунда, айниқса, эҳтиёжманд оилаларни камбағалликдан чиқариш, уларнинг меҳнатга лаёқатли аъзоларини ишга жойлаштириш ва сектор раҳбарлари масъулиятини ошириш орқали жиноятчиликни камайтиришга асосий эътибор қаратилмоқда.

Хусусан, шу йилнинг январь — октябрь ойларида ҳудуддаги 201 та маҳаллада умуман жиноят содир этилмаган бўлса, 18 та маҳаллада жиноятчилик сони камайган. Вояга етмаганлар томонидан 9 та туманда, хотин-қизлар томонидан 2 та туманда жиноят содир қилинмаган. Шунингдек, йўл-транспорт ҳодисалари ўтган йилнинг мос давридагига нисбатан 50 тага камайган. Талончилик ҳамда босқинчилик жиноятлари содир этилишига йўл қўйилмаган.

Шу билан бирга, жорий йил бошидан буён содир этилган жиноятлар сони ўтган йилнинг мос давридагига нисбатан 411 тага, яъни 39,6 фоизга ўсганлиги қайд этилди. Уларнинг таҳлили унча оғир бўлмаган, оғир турдаги, ўта оғир ҳамда вояга етмаганлар, хотин-қизлар орасида жиноятлар ўсганлигини кўрсатмоқда.

Маҳаллий Кенгашлар сессияларида Коррупцияга қарши курашиш бўйича республика идоралараро комиссияси раисининг ҳисоботини доимий равишда эшитиш йўлга қўйилган, бу бўйича зарур чора-тадбирлар ва қарорлар қабул қилинаётир. Тегишли соҳа ҳамда ижро этувчи органлар раҳбарларига аниқ вазифалар белгилаб бериляпти.

Йиғилишда ишчи гуруҳ аъзолари томонидан нотинч оилалар, уюшмаган ёшлар ва оғир шароитга тушиб қолган хотин-қизлар билан бевосита ишлаш, аҳолининг ҳуқуқий онги ҳамда маданиятини янада юксалтириш, жиноятчиликнинг барвақт олдини олиш, "Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси куни"да жиноятчиликнинг келиб чиқиш сабабларини аниқлаш, аҳоли орасида мунтазам тарғибот ва ташвиқот тадбирларини олиб бориш зарурлиги бўйича фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Якунда "Йўл харитаси"да белгиланган масалалар ижросини ўз вақтида ва сифатли таъминлаш бўйича аниқ вазифалар белгиланди.

«Халқ сўзи».

АСОСИЙ МАСАЛА — ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАРНИ СОДИР ЭТИШГА ИМКОН БЕРГАН САБАБЛАРНИ ЎЗ ВАҚТИДА БАРТАРАФ ҚИЛИШ

1 Айни пайтда бу 70 фоизга бажарилган бўлиб, хатлов давомида хотин-қизлар масаласига оид муаммолар кўзга яққол ташланмоқда. Мисол учун, Қирғизистон Республикаси билан чегара ҳудудда жойлашган Қўрғонтепа туманида 30 ёшдан ошган аёллар сони 48 минг нафар, уларнинг орасида қўшни давлатдан келин бўлиб тушганлар ва шу сабабли фуқаролик паспортига эга бўлолмаётганлар сони кўпчиликни ташкил этади. Бу каби ҳолатни вилоятнинг 65 та маҳалла фуқаролар йиғинида кузатиш мумкин.

Андижон шаҳридаги кўп қаватли уйларда битта хонадонда уч-тўртта оиланинг истиқомат қилиши ҳам бир қатор муаммоларнинг келиб чиқишига сабаб бўлмоқда. Айни пайтда вилоят бўйича 60 минг нафар хотин-қиз чет мамлакатларда меҳнат қилаётган бўлса, хориждан қайтган аёллар сони 40 мингдан зиёдни ташкил қилади. Бу ҳам уларни келгусида ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш масаласи кўндаланг турганлигидан далолат. Вилоятдаги 60 та МФЙда хотин-қизлар билан боғлиқ қонунбузилиш ҳолатлари учрайди.

Аёлларнинг оилада, меҳнат жойида, жамоат даврасида зўравонлик таъсирига тушиб қолаётганлиги ҳудудларда зудлик билан гендер тенгликни таъминлаш борасидаги ишларни жонлантириш, бунинг учун, аввало, тарғибот-ташвиқот ишларига катта эътибор қаратиш, фуқароларнинг мавзуга доир ҳуқуқий билимини ошириш лозимлигини кўрсатади.

— Гендер тенглик, деганда фақат, хотин-қизлар тенглигини тушунмаслик керак, — дейди Олий Мажлис Сенати аъзоси Матлубахон Ганиева. — Бугун жамиятда эркаклар тенглигини таъминлаш ҳам асосий масалалардан бирига айланган. Мисол учун, республикамиздаги тиббиёт ёки маориф соҳасида фаолият юритаётганларнинг 70 фоизини хотин-қизлар ташкил этмоқда. Бу эса, таълим-тарбия жараёнига эркакларни ҳам жалб қилиш зарурлигини англатади.

Якунда таҳлил этилган йўналишларда олиб борилаётган ишлар юзасидан ҳар чоракда матбуот анжумани уюштиришга келишиб олинди.

Саминжон ҲУСАНОВ
(«Халқ сўзи»).

Тадбир

Инсоннинг ташқи кўриниши замонга уйғун ва гўзал, ички дунёсига мос бўлиши лозим. Зеро, кийиниш маданияти инсон маънавиятининг ўзига хос кўзгуси бўлиб, кўп жиҳатдан шахснинг феъл-атвори ва дунёқарашидан далолат беради. Халқимизга хос услуб барча замонда ҳам орасталик, камтарлик, миллий анъана ва қадриятлар уйғунлиги каби фазилатларни намоён этиб келган.

ГЎЗАЛЛИК ВА НАФОСАТ ФЕСТИВАЛИ

Кеча ўзбек миллий кийиниш маданияти тарғиботини ташкил этишга қаратилган "Нафосат" фестивалининг ишчи гуруҳи йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Олий Мажлис Сенати аъзолари, Гендер тенгликни таъминлаш масалалари бўйича комиссия, вазирлик ва идоралар вакиллари иштирок этди.

Шу йилнинг 20 ноябридан 20 декабригача ўтказиладиган "Нафосат" фестивали аввало, миллий қадриятларимиз ва аёллар либосларидаги замонавий мода тенденцияларини уйғунлаштириб, виждон ва эътиқод эркинлигини ҳисобга олган ҳолда янги миллий либослар намуналарини шакллантириш мақсадида ташкил этилмоқда.

Фестивалнинг дастлабки босқичи Бухоро шаҳрида ўтказилади. Унда Бухоро, Навоий, Қашқадарё, Сурхондарё, Жиззах, Самарқанд вилоятларидан соҳа мутахассислари ва кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этади. Кейинги босқичлар минтақавий тарзда Фарғона, Хоразм вилоятларида, якуний қисми эса Тошкент шаҳрида ўтказилади.

— Кийиниш одоби ахлоқий маданиятнинг муҳим элементларидан биридир, — деди Гендер тенгликни таъминлаш масалалари бўйича комиссия ишчи гуруҳи аъзоси Нодира Шотурсунова. — Албатта, ўзбек аёлларини бошқа миллатлар вакилларидан ажратиб турадиган, уларни иффатли Шарқ аёли тимсолида кўрсатадиган муҳим белгилардан бири бу, уларнинг миллий кийимларидир. Бу йўналишда комиссиямиз томонидан бир қатор ишлар самарали олиб бориляпти. Танловнинг асосий мақсади — турли ташкилотларда фаолият кўрсатаётган хотин-қизларнинг кийиниш услуби, бугунги кунда улар ўртасида миллий ва замонавий, менталитетимизга мос кийимлар андозасини жорий қилишдан иборат.

Танлов давомида турли соҳа вакилларининг иш жараёнида кийиниш услубини ўрганиш, ташкилотларда раҳбарият томонидан кадрлар бўлимига дресс-кодни жорий қилиш билан қандай натижаларга эришиш мумкинлиги ва уларни такомиллаштириш юзасидан таклифлар бериш, шунингдек, кийиниш маданиятига мувофиқ профессионаллик, ишбилармонлик каби хусусиятларни ифода этувчи замонавийликка янгича ёндашувларни ишлаб чиқиш юзасидан ҳам фикр алмашилади.

Фестиваль доирасида давра суҳбатлари, кўрик-танловлар ва бошқа оммавий тадбирлар ташкил этилади. Шунингдек, ёшлар ўртасида қадрият ва қарашларимизга бегона бўлган "оммавий маданият"нинг салбий оқибатларига қарши қаратилган тарғибот-ташвиқот ишларини ташкил этиш ҳам кўзда тутилган.

Бундан ташқари, ўзбек миллий кийиниш маданиятига бағишланган бадиий ҳамда илмий нашрлар тайёрлаш, аҳоли, айниқса, ёшларнинг миллий кийиниш маданиятига муносабати ва қизиқишларини ўрганиш мақсадида ижтимоий сўров ўтказиш ҳам режалаштирилмоқда.

Мунисхон КАРИМОВА
(«Халқ сўзи»).

Давлат бюджети:

ПАНДЕМИЯ ХАРАЖАТЛАРИ ВА ИЖРО КЎРСАТКИЧЛАРИ — ДЕПУТАТЛИК КОРПУСИ ЭЪТИБОРИДА

1 Шунинг учун ҳам тақдим этилган Давлат бюджетининг 9 ойлик ижросида бюджет даромадлари ҳамда харажатларидан ташқари биринчи даражали бюджет тақсимловчилари, бюджетдан ташқари жамғармалар, Давлат бюджетининг ҳудудлар кесимидаги ижроси, берилган солиқ имтиёзлари, солиқ тўловлари динамикаси, боқиманда қарздорлик, ортиқча тўланган солиқ суммаларига оид маълумотлар тақдим этилмоқда. Натижада Давлат бюджетининг ҳар чораклик ижроси депутатлар томонидан чуқур, мазмунли ва қизғин муҳокама қилинмоқда.

Мана шу муҳокама жараёнларида депутатларда янги бюджет лойиҳаси бўйича аниқ таклиф ва тавсиялар туғилмоқда. Ушбу таклиф ҳамда тавсиялар йил якунини кутиб ўтирмасдан, умумлаштирилиб, тегишлилигича Молия вазирлиги ҳамда Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, шунингдек, бошқа вазирликларга доимий равишда киритиб борилмоқда.

Бюджетни қонун кўринишида қабул қилиш ва ижросини таъминлашнинг яна бир муҳим жиҳати шундаки, ушбу жараёнда маҳаллий Кенгашларнинг роли ҳамда мустақиллиги борган сари ошиб бораётир. Улар томонидан солиқ ва бюджет сиёсатига доир таклиф ҳамда тавсияларнинг аксарияти муҳокама қилинаётган лойиҳада аксини топаётгани диққатга сазовор.

Бундан 4-5 йил олдинги давр билан солиштирсак, бюджет лойиҳаси тайёрланаётганда маҳаллий ҳокимиятлар бюджет даромадлари ва харажатлари бўйича таклиф ҳам беролмасди, берса ҳам ҳеч ким уни инобатга олмасди. Ҳозир вазият тубдан ўзгарганлигини 2021 йил учун Давлат бюджети қонун лойиҳасининг 3-бобида яққол кўришимиз мумкин. Ушбу бобда бюджетлараро муносабатларни тартибга солишнинг ўзига хос хусусиятлари тўлиқ очиб берилган.

— Биламизки, айни пайтда Давлат бюджетининг 9 ойлик ижроси ҳамда 2021 йил учун Давлат бюджети қонун лойиҳаси муҳокамага тайёрланмоқда. Ушбу жараён ҳақида ҳам тўхталиб ўтсангиз...

— Дарҳақиқат, айни пайтда Давлат бюджети лойиҳасини Қонунчилик палатасида сиёсий партиялар фракциялари ва масъул қўмитада муҳокама қилиш борасида тайёргарлик ишлари олиб борилмоқда. Халқаро тажриба ҳамда бюджетни қонун кўринишида шакллантиришнинг мазмунмоҳиятидан келиб чиқиб, депутатларга инфографика кўринишида материаллар тайёрладик. Бундан ташқари, семинар-тренинг ташкил қиляпмиз. Шунингдек, депутатлар бюджет ижроси билан биргаликда янги қонун лойиҳасини ўрганиб чиқиши ва таҳлил қилиши учун алоҳида услубий қўлланма ишлаб чиқдик.

Депутатлар учун республиканинг ҳар бир шаҳар ҳамда туманларининг иқтисодий ва молиявий салоҳиятига оид амалий қўлланма тайёрлаб, тарқатилди. Маҳаллий бюджетларга жалб этилган қўшимча даромадларни оқилона тақсимлаш бўйича жойларда юзага келаётган муаммоларни ҳисобга олган ҳолда маҳаллий Кенгашларга услубий қўлланма ишлаб чиқилди ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси бюджети мисолида қўллаб кўрилди.

Айни пайтда қўмитамиз томонидан қуйи палатанинг Бюджет бошқармаси билан биргаликда жойларда маҳаллий бюджетга қўшимча жалб этилган даромадларнинг 10 фоизини аҳоли таклиф ва талабларидан келиб чиққан ҳолда тақсимлаш бўйича амалга оширилаётган ишлар тажриба тариқасида ўрганилмоқда.

— Коронавирус пандемияси туфайли дунё иқтисодиёти мисли кўрилмаган даражада зарар кўрди. Бизнинг иқтисодиётимизга, қолаверса, Давлат бюджети даромадларини шакллантиришга пандемия қандай таъсир кўрсатди?

— Пандемия оқибатларини ҳисобга олган ҳолда, халқаро молия институтларининг прогнозларига кўра, 2020 йилда жаҳон иқтисодиёти ўртача 4-4,5 фоиз атрофида қисқариши кутилмоқда. Пандемиянинг асоратлари Ўзбекистон иқтисодиётига ҳам таъсир ўтказмасдан қолмайди, албатта. Шунга қарамасдан 2020 йилнинг 9 ойлиги якунига кўра, мамлакатнинг ялпи ички маҳсулоти ўтган йилнинг мос давридагига нисбатан 0,4 фоиз ўсди. Йил якунига кутилаётган ўсиш даражаси бундан юқорироқ бўлишига етарлича имкон бор. Бунга шу йилнинг январь — сентябрь ойларида қишлоқ хўжалиги (3,4 фоиз ўсиш), қурилиш ишлари (8,6 фоиз), истеъмол товарлари ишлаб чиқариш (2,3 фоиз) ва бошқа бир қанча соҳа ҳамда тармоқлардаги ижобий динамика асос бўла олади.

Пандемиянинг салбий оқибатларига қарамасдан, жорий йил 9 ойлик Давлат бюджети даромадлари 94 457,2 млрд. сўмни ташкил этиб, аниқлаштирилган прогноз кўрсаткичлари 102,9 фоиз бажарилганлигини кўришимиз мумкин. Шунга кўра, Давлат солиқ қўмитаси бўйича белгиланган прогноз кўрсаткичлари 1 966,5 млрд. сўм ортиғи билан (102,8 фоиз) бажарилган.

Давлат бюджетининг 2020 йил 9 ойлик харажатлари давлат мақсадли жамғармаларини ҳисобга олмаган ҳолда 94,5 фоизга ижро этилган ёки бюджет харажатлари ЯИМга нисбатан 25,0 фоизни ташкил этди. Бюджет ташкилотларининг қарийб 33,6 трлн. сўмлик иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлари ҳамда 7,1 трлн. сўмлик иш ҳақига нисбатан ажратмалари ўз муддатларида тўлиқ молиялаштириб берилгани муҳим аҳамиятга эга.

Ҳисобот даврида ижтимоий харажатларни молиялаштириш учун Давлат бюджетидан 53 685,3 млрд. сўм ёки умумий харажатларнинг 52,5 фоизи миқдорида маблағ сарфланган. Бу харажатлар ЯИМга нисбатан 13,1 фоизни ташкил этди. Ушбу харажатларнинг 84,0 фоизи ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш харажатлари ҳиссасига тўғри келди. Ижтимоий соҳа ҳамда аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш харажатлари учун ажратилган маблағларнинг 29,1 трлн. сўми ёки қарийб 64,5 фоизи иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловларни молиялаштиришга йўналтирилди. Ижтимоий харажатларнинг асосий қисмини ташкил этган таълим тизими муассасаларини сақлаш ва уларни ривожлантириш харажатларига Давлат бюджетидан 21 638,8 млрд. сўм маблағ ажратилган.

Қисқача айтганда, пандемия шароитида бюджет маблағлари ҳисобидан ижтимоий соҳаларнинг тўлақонли фаолиятини молиявий таъминлаб бериш Президентимиз ташаббуси билан бундан уч-тўрт йил олдин бошланган кенг қамровли солиқ ва молия тизимини ислоҳ қилишнинг ижобий натижалари сифатида қараш мумкин.

— Сизнингча, пандемия шароитида соғлиқни сақлаш борасида қўйилган мақсадларга қай даражада эришилди?

— Соғлиқни сақлаш соҳасига Давлат бюджетидан йўналтирилган маблағлар миқдори 13 638,5 млрд. сўм ёки ўтган йилнинг мос давридагига нисбатан 3 069,7 млрд. сўм (29,0 фоиз) кўп маблағлар ажратилган. Йўналтирилган маблағнинг жами Давлат бюджети харажатларидаги улуши 13,3 фоизни (2019 йилда 12,2 фоиз) ташкил этди.

Шу билан бирга, мамлакатимиз Президенти ва Ҳукумат қарорларига асосан тасдиқланган соғлиқни сақлаш соҳасига доир давлат дастурлари ва марказлашган тадбирларга жорий йилнинг 9 ойлигида 431,1 млрд. сўм ажратилиб, шундан 424,0 млрд. сўм (98%) маблағ ўзлаштирилган. Шунингдек, мазкур ҳужжатлар ижроси доирасида тегишли вазирлик ҳамда идоралар билан биргаликда коронавирус бўйича эпидемиологик вазият ёмонлашувининг олдини олишга қаратилган кечиктириб бўлмайдиган зарурий тадбирлар олиб борилмоқда.

Соғлиқни сақлаш соҳасига ҳозир юзага келган пандемия шароитида тасдиқланган бюджет маблағларидан ташқари Инқирозга қарши курашиш жамғармаси ҳисобидан ҳам маблағлар йўналтирилган. Жумладан, Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамият саломатлиги хизмати ҳамда унинг ҳудудий бўлимларига коронавирусниг янги тури кириб келиши ва тарқалишининг олдини олишга қаратилган тадбирларга жами 2 440,3 млрд. сўм маблағ ажратилган.

Албатта, пандемияга қарши кўрилган комплекс чора-тадбирлар ва уларни ўз вақтида молиявий маблағлар билан таъминлаш йил бошида ушбу соҳани ривожлантириш, аҳоли соғлиғини сақлаш ҳамда соғлом турмуш кечириши борасида қўйилган мақсад ва вазифаларга эришиш имконини беради.

— Давлат бюджетининг 9 ойлик ижроси ҳамда 2021 йилга Бюджетнома муҳокамасида депутатлик корпусининг ёндашуви қандай бўлмоқда? Қандай масалаларга кўпроқ эътибор қаратиляпти?

— Юқорида айтганимдек, депутатларимизнинг кўпроқ эътиборини тортадиган жиҳат, бу, бюджет маблағларидан мақсадли ва самарали фойдаланиш масаласидир. Бу бежиз эмас. Чунки Молия вазирлигининг Давлат молиявий назорати департаменти ва унинг ҳудудий бошқармалари томонидан 2020 йилнинг 9 ойлигида ўтказилган назорат тадбирларида 129,1 млрд. сўм миқдорида бюджет интизомини бузиш, пул ва товар моддий бойликлар камомади ва асоссиз харажатлар аниқланган, шундан 96 млрд. сўми (74%) бюджетга тикланиши таъминланган.

Бундай ҳолатлар ҳисобот даврида Халқ таълими, Соғлиқни сақлаш, Мактабгача таълим вазирликлари тизимида кўп аниқланган.

Бундан ташқари, ҳозирги кунда долзарб бўлган Инқирозга қарши курашиш жамғармасидан ажратилган маблағларнинг сарфланишида коронавирусга қарши курашиш тадбирларига жалб этилган тиббиёт муассасаларида 70,7 млрд. сўмлик хато ва камчиликлар, амалдаги қоидаларга риоя этмаслик ҳолатларига йўл қўйилганлиги аниқланган.

Бюджетни шакллантириш ва ижросини таъминлашда депутатлар кўп эътибор бера бошлаган масалалардан яна бири, бу — натижадорлик. Бу борада бюджет тизимида эндигина аниқ чора-тадбирлар кўрила бошланди, десак тўғри бўлади. Бунинг учун бюджет тизимида "Натижага йўналтирилган бюджет"ни шакллантириш ва ижросини таъминлашда жиддий ўзгаришлар қилиниши керак. Шуни ҳисобга олган ҳолда депутатларимизда Молия вазирлиги ҳамда бошқа мутасадди вазирлик ва идораларга кўплаб саволлар бўлиши, табиий.

Яна бир муҳим масалалардан бири, бу — Давлат инвестиция дастурида ижтимоий соҳани ривожлантиришга йўналтирилган маблағлардир. Депутат — халқ вакили. Шу туфайли электоратни қийнайдиган газ, ичимлик суви, электр таъминоти, йўллар, боғча, мактаб ва соғлиқни сақлаш масалалари 9 ой якунлари бўйича ҳам, шунингдек, 2021 йил учун Давлат бюджети қонуни лойиҳасининг муҳокама марказида бўлиши, табиий.

Бу муҳокамалардан пировард мақсад — фақат ютуқларни эътироф этиш эмас, балки йўл қўйилган камчиликларни аниқлаш, уларни келтириб чиқараётган омилларнинг туб моҳиятига етиш, булардан тўғри хулосалар чиқаришдир. Кўриб, кузатаётганингиздек, муҳокамалар танқидий руҳда ўтмоқда. Албатта, Давлат бюджетининг 9 ойлик якуни бўйича депутатлар хулосалари Давлат бюджетининг янги лойиҳасининг сифатли тайёрланишида замин бўлиши, шубҳасиз.

Зиёда АШУРОВА
(«Халқ сўзи») суҳбатлашди.

ЕР ҲАЙДАСАНГ КУЗ ҲАЙДА...

Халқимизда "Ер ҳайдасанг куз ҳайда, куз ҳайдамасанг юз ҳайда" деган мақол бежизга айтилмаган. Сабаби ерни ҳар йили ноябрь ойидан қолдирмай 40 — 45 сантиметр чуқурликда шудгорлаш яхши самара беради. Ҳозирги замонавий техникалар эса ерни ҳам сифатли, ҳам тезда шудгорлаш имконини яратаётгани эътиборга молик.

Тараддуд

Келаси йил ҳосили учун Самарқанд вилоятида 117 минг гектар ер майдонида кузги шудгорлаш ишлари амалга оширилиши режалаштирилган бўлиб, мазкур агротехник тадбирни 30 ноябрда якунлаш белгиланган.

Айтиш жоизки, кузги шудгорлаш ишларини ўз вақтида ҳамда сифатли якунлаш мақсадида ҳар йилгидан кўра пухта ҳозирлик кўрилди. Мавжуд 542 та, шундан 244 та юқори унумли қишлоқ хўжалиги техника воситаси 234 та отрядга бириктирилган. Ушбу отрядларга 65 та фермерга ёнилғи тарқатиш ва яна шунча кўчма автошохобчалар томонидан сифатли хизмат кўрсатилиши таъминланяпти. Ишнинг тўғри ташкил этилгани, техникалардан унумли фойдаланиш эвазига бир кунда ўртача 4,5-5 минг гектар ер майдони сифатли шудгор қилинаётир.

Шудгорланадиган майдонларга фосфорли минерал ўғитларнинг ажратилиши ва шудгорлашдан олдин берилиши ҳамда шудгорлаш ишларининг тўлиқ контурларда амалга оширилишини таъминлаш, дала четлари, симёғоч атрофларини шудгорлашга алоҳида аҳамият берилмоқда.

Тайлоқ тумани деҳқонлари вилоятда биринчилардан бўлиб кузги шудгорлашни якунлади. Жорий йилда бу ерда 1 минг 968 гектар ер майдони сифатли тарзда шудгорланди.

— 2021 йил ҳосили учун пухта замин айнан кузги шудгорлаш орқали яратилишини яхши ҳис этган қишлоқ хўжалиги корхоналари раҳбарлари ушбу агротехник тадбирга жиддий эътибор қаратди, — дейди "Ўзагроинспекция"нинг Тайлоқ тумани бўлими бошлиғи Зойир Эшонқулов. — Мавжуд 12 та агрофирмага қарашли 474 та фермер хўжалигининг 1 минг 968 гектар ер майдони сифатли шудгорланди. Мавсумда ажратилган қишлоқ хўжалиги техникаларидан унумли фойдаланилиб, кунига ўртача 10 — 15 гектар ер майдони шудгорланди. Механизаторлар учун даланинг ўзида иссиқ овқат, дам олиш хоналари ташкил этилганлиги сабабли вилоятда биринчилардан бўлиб кузги шудгорлашни ниҳоясига етказди.

"Ўзагроинспекция"нинг Самарқанд вилояти бошқармаси ҳамда туманлар бўлимлари томонидан кузги шудгорлашни оптимал муддатларда, сифатли якунлаш юзасидан доимий назорат ўрнатилган. Бу эса иш унумини ва келгусида юқори ҳосилдорликни таъминлайди.

Абдулазиз ЙЎЛДОШЕВ
(«Халқ сўзи»).

ТАЪЛИМ ИНТЕГРАЦИЯСИ

АФГОНИСТОНЛИК ЁШЛАРНИ ЎЗБЕКИСТОНГА ЧОРЛАМОҚДА

Ўзбек ва афғон халқларини азалий дўстлик, қардошлик ҳамда тарихий, диний, маданий қадриятлар уйғунлиги ва муштарак мақсадлар ўзаро боғлаб туради. Президентимиз Шавкат Мирзиёев ҳамда Афғонистон Ислом Республикаси Президенти Ашраф Ғани ўртасида мунтазамлик касб этган олий даражадаги учрашувлар икки давлатнинг ҳамкорлик алоқаларини янада мустаҳкамлашга катта туртки бермоқда. Хусусан, Ўзбекистоннинг очиқ, прагматив ташқи сиёсати бу борада янги руҳ ва амалий тус бераётир.

Ҳамкорлик

Давлатимиз раҳбари БМТ Бош Ассамблеясининг сессияларида сўзлаган нутқида ҳар доим Афғонистондаги вазиятни сиёсий йўл билан ҳал этиш лозимлигига жаҳон ҳамжамияти эътиборини қаратиб, қатор амалий таклифларни ҳам илгари суриб келмоқда. Дарвоқе, 2017 йилнинг март ойида Тошкентда бўлиб ўтган "Тинчлик жараёни, хавфсизлик соҳасида ҳамкорлик ва минтақавий шериклик" мавзуидаги халқаро анжуман бу борадаги амалий интилишларга мустаҳкам замин яратди. Пировард натижада сиёсий, савдо-иқтисодий, маданий, гуманитар ва бошқа соҳаларда давлатлараро ҳамкорлик жадал ривож топмоқда. Жумладан, 2017 йилнинг ноябрь ойида Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузурида Афғонистон фуқароларини ўқитиш таълим маркази ташкил этилиши қўшни давлатда миллий кадрларни тайёрлашдек эзгу мақсадлар рўёбини таъминлаяпти.

Марказда Афғонистон ҳукумати эҳтиёжидан келиб чиқиб, ўзбек тили ва адабиёти, темир йўл, қишлоқ хўжалиги, транспорт, иқтисодиёт, тиббиёт каби соҳаларда, шунингдек, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бўйича мутахассислар ўқитилмоқда. 2018/2019 ўқув йили давомида 96 нафар афғонистонлик ёш ўзбек тили ва адабиёти йўналишида таҳсил олиб, Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетининг бакалавр дипломига эга бўлди. Айни пайтда эса таълим марказида яна 172 нафар ўғил-қиз таълим оляпти.

— Таълим маркази фаолиятини самарали йўлга қўйиш учун барча шарт-шароит муҳайё этилган, — дейди Афғонистон фуқароларини ўқитиш таълим маркази раҳбари Ойбек Рўзиев. — Жумладан, 750 ўринли ўқув биноси, 180 ўринли фаоллар зали, 100 ўринли ошхона, спорт зали ҳамда ҳудуддаги стадион ва спорт майдончалари, шунингдек, 400 ўринли талабалар турароҳойлари тубдан таъмирланиб, зарур жиҳозлар билан таъминланди. Таълим самарадорлигини ошириш мақсадида информатика ҳамда ахборот технологиялари, кимё, физика, темир йўл транспорт тизимини мукаммал ўқитиш учун энг замонавий лаборатория ва лингафон хоналари ташкил этилди. Бундан ташқари, ўқув марказининг электрон кутубхона тизими яратилган бўлиб, унинг базасига лотин алифбосидаги 500 дан ортиқ электрон адабиётлар жойлаштирилган. 2 та инфокиоск учун ўзбек ҳамда дари тилларида дастурий таъминот ишлаб чиқилди ва ушбу дастурдаги 5 та бўлим маълумотлар билан тўлдирилди. Марказнинг "Электрон таълим тармоғи"га уланиши талабалар шу ердан туриб республикадаги барча олий таълим муассасаси электрон таълим ресурсларидан фойдаланишига имкон яратди. Ушбу тармоқ воситасида исталган олий ўқув юртининг етук олим ҳамда мутахассислари билан видеоконференция орқали мусофадан туриб машғулотлар ҳам ўтказиш мумкин.

Марказда ўқитиш ишлари Ўзбекистон Республикаси таълим тизимида қабул қилинган нормаларга мос тарзда, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан тасдиқланган ўқув режалари ҳамда дастурларига мувофиқ кундузги таълим шаклида амалга оширилаётир. Дарслар ўзбек ва дари тилларида олиб борилади. Машғулотларни олиб бориш учун Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети, Термиз давлат университети, Тошкент давлат шарқшунослик университети, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети каби бир қатор олий таълим муассасаларининг малакали профессор-ўқитувчилари ўқув режасига мувофиқ жалб этилмоқда.

Марказда талабаларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил қилиш мақсадида нотиқлик, журналистика, мамлакатшунослик, дастурлар яратиш, тасвирий ҳамда халқ амалий санъати, тикувчилик, сартарошлик, шунингдек, ўндан ортиқ спорт тўгараклари фаолият олиб бормоқда. Ушбу тўгараклар аъзолари қисқа вақт ичида ўзларининг фаоллиги ва илмга чанқоқлиги натижасида туман, вилоят ҳамда республика миқёсидаги тадбирларда фаол иштирок этмоқда.

Мамлакатимиздаги тарихий обида ва ёдгорликлар, музейлар, табиатнинг хушманзара жойлари ҳамда мустақиллик йилларида қурилган бино ва иншоотларга экскурсиялар мунтазам равишда ташкил этиляпти. Бу эса қўшни давлат ёшларига юртимиз тарихи ҳамда маданияти, миллий қадриятларимиз билан яқиндан танишиш имконини бераётир.

Афғонистон фуқароларини ўқитиш таълим маркази фаолиятига хорижий давлатларнинг мамлакатимиздаги элчихоналари, олий таълим муассасалари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, жамғарма ва фондларининг қизиқиши ортмоқда.

"USAID", "Konrad Adinauer" ҳамда "Fridrix Ebert", "KOICA", "JICA", "GIZ" каби халқаро ташкилот ва фондлар марказнинг моддий-техника базасини бойитиш ҳамда хорижий инвестицияларни кенг жалб этиш орқали таълим жараёнининг сифатини янада ошириш, жаҳон андозаларига жавоб бера оладиган кадрларни тайёрлашга қаратилган лойиҳаларни татбиқ қилиш бўйича ўз таклиф ва мулоҳазалари билан иштирок этмоқда. Жумладан, 2019 йил 16 сентябрь куни АҚШнинг Ўзбекистондаги фавқулодда ва мухтор элчиси Дениел Розенблюм бошчилигидаги делегация марказга ташриф буюрди. Делегация аъзолари Афғонистон фуқароларини ўқитиш таълим марказида яратилган шарт-шароитлар, ўқув хоналари ҳамда жиҳозлари, талабаларнинг яшаши, овқатланиши, дам олиши учун яратилган қулайликлар билан яқиндан танишишди. Марказ кутубхонаси фондини бойитиш мақсадида 20 та инглиз тилидаги ўқув қўлланмани тақдим этди.

2020 йил 6 февраль куни Словакиянинг Ўзбекистондаги фавқулодда ва мухтор элчиси Бори Ян Афғонистон фуқароларини ўқитиш таълим маркази фаолияти билан яқиндан танишди. Элчи ўқув марказида Афғонистон талаба ёшларини ўқитиш учун давлат таълим стандартлари талабларига жавоб берадиган ўқув аудиториялари, лабораториялар, талабалар турароҳойлари, ошхоналар, дарсдан ташқари тўгараклар учун яратилган шароитларни юқори баҳолади.

Келгусида марказ фаолиятини янада ривожлантириш, таълим жараёнлари сифатини ошириш мақсадида хорижий давлатлар билан ижтимоий-иқтисодий ҳамкорликлар йўлга қўйилмоқда, бу борада қатор лойиҳалар ҳам ишлаб чиқилди. Жумладан, Европа Иттифоқи, Хитой, Германия, Жанубий Корея ва Ҳиндистон давлатлари қисқа муддатли курслар очиш ҳамда талабаларни ўқитишда молиявий қўллаб-қувватлашга тайёр эканини билдирди.

— Илм-маърифат инсонни ҳар жиҳатдан юксалтиради, яшашга иштиёқини оширади. Мана шу иштиёқ мени Ўзбекистонга бошлаб келди, — дейди афғонистонлик талаба Муҳаммад Башир. — Юртингиз одамлари билан бевосита мулоқотга киришиш, шу заминда таҳсил олишга мушаррраф бўлганимдан беҳад мамнунман. Марказда барча шарт-шароит муҳайё этилган. Бу ерда мен ўзбек тили ва адабиёти йўналишида таълим олмоқдаман. Туғилиб-ўсган юртимда ўзбек тилида сўзлашувчи оилалар жуда кўп. Уларнинг илмга ташна фарзандларига ўзбек тили ва адабиётини ўқитиш учун мутахассислар етишмайди. Насиб бўлса, бу ерда олган билимимизни юртимиз ўғил-қизларига ўргатишга, она тилимизда яратилган адабиётларни ўқитиш ҳамда тарғиб қилишга ҳисса қўшамиз. Таҳсил жараёнида улуғ мутафаккир Алишер Навоий, саркарда ва шоир Заҳириддин Муҳаммад Бобур каби даҳо ижодкорлар меросини чуқур ўрганиш, ўзбек тили ва адабиёти бўйича малакали мутахассис бўлиб етишишга астойдил интиляпман.

— Афғонистонлик ёшлар учун очилган таълим марказида биз, 10 нафар қиз акушер-гинекология ва ҳамширалик иши йўналиши бўйича таҳсил олмоқдамиз, — дейди марказ талабаси Лойиқа Ризойи. — Гарчи бизнинг юртимизда аёллар ҳуқуқлари бир оз чекланган бўлса-да, кўплаб оилаларда қизларини ўқитишга бўлган истак юқори. Зеро, динимизда илм олиш эркагу аёл учун фарз қилинган. Биз, афғон қизлари тиббиёт йўналишида ўз билимимизни бойитиб, малакали мутахассис бўлиш ниятидамиз. Таълим марказида моҳир устозлар билим, касб ўрганишимиз учун яқиндан кўмак беришяпти. Бу ерда яратилган қулай шароитлар ўқиш, ўрганишга бўлган иштиёқимизни янада оширди. Илм олишимиз борасидаги ғамхўрлик, эътибор ва албатта, беминнат ёрдам учун раҳмат айтамиз. Мафтункор Ўзбекистон диёрида олган таассуротларим бир умр қалбимда муҳрланиб қолади.

Дарҳақиқат, ҳар қандай жамият тараққиёти учун таълим ривожи ҳал қилувчи омиллардан саналади. Шундай экан, Афғонистоннинг тараққий топиши учун ҳам малакали мутахассислар керак. Таълим тизимини интеграциялаштириш борасидаги ҳамкорлик, бу йўлдаги дастлабки ютуқ ва натижалар, шубҳасиз, икки давлат манфаатларига хизмат қилмоқда.

Илҳом РАҲМАТОВ
(«Халқ сўзи»).

СПОРТ САЛОМАТЛИК ВА БАХТЛИ ҲАЁТ ГАРОВИ

Президентимизнинг "Соғлом турмуш тарзини кенг татбиқ этиш ва оммавий спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони қабул қилинганига ҳали кўп вақт бўлгани йўқ. Шундай бўлса-да, унинг ижроси бўйича аллақачон бир қанча натижалар кузатилмоқда.

Фармон ва ижро

Дейлик, вилоятимиз бўйича охирги ўтказилган "Соғлом ҳаёт учун 5000 қадам" акциясида 25 мингдан зиёд кишилар қатнашди. Акция сафи эса кенгайишда давом этмоқда. Бу борада бир жиҳат борки, аввалари юриш ёки югуриш ва жисмоний тарбия машқларида, асосан, ўттиз ёшгача бўлганлар ҳамда кексалар иштирок этар, ўрта бўғин ёшдагилар иш, рўзғор ташвишларига шўнғиб кетиб, оммавий спорт тадбирларида кўп ҳам қатнашмас эди. Энди аҳвол тубдан ўзгарди, оммавий спорт ҳамма ёшдагиларни қамраб олмоқда.

Ҳужжат асосида энди ташкилотлар ва корхоналарда бирор ходимга устама ҳақ тўлаш билан спорт йўриқчиси вазифаси ҳам юклатилиши меҳнат жамоаси ҳаётида спорт ҳамда жисмоний тарбия муҳим ўрин эгаллашига хизмат қилади, албатта. Шунингдек, жойларда соҳа мутахассислари — тренерлар ҳам фаолият олиб боришадики, бу аҳолининг машғулотларни тўғри ва мунтазам бажаришини таъминлайди.

Ҳозирги кунда вилоятимиздаги 224 та маҳаллага 621 нафар, яъни уч нафардан мураббий бириктирдик. Уларнинг деярли ҳар бири ўзи яшайдиган маҳаллада хизмат қилади. Бу аҳоли учун ҳам, спорт мутахассиси учун ҳам ҳар жиҳатдан қулай. Қолаверса, барча спорт муассасалари мутасаддилари ҳам ўзларига белгиланган манзилларда малакали бадантарбия ва спорт машқларини ташкил қилиб боради.

Яқинда Гулистон шаҳридаги Амфитеатр майдонида эрталабки чиниқиш машқларини бошлаймиз. Унда вилоятнинг бошқа ҳудудидагилар ҳам онлайн тарзда қатнашади. Мазкур машқларда 21 кун узлуксиз қатнашганларга спорт велосипеди совға қилинади.

Вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси билан ҳамкорликда Сардоба туманидаги Янги Тошкент маҳалласида амалга оширилаётган спорт-соғломлаштириш тизимини бошқа маҳаллаларда ҳам йўлга қўйяпмиз. Янги Тошкент маҳалласида ҳар бир оила аъзосининг қон босими, бўйи, вазни сингари кўплаб кўрсаткичлари ўрганилиб, ҳатловдан ўтказилди ва уларнинг жисмоний тарбия билан шуғулланиши, соғлом турмуш тарзига амал қилиши бўйича ҳам шифокорнинг, ҳам спорт мутахассисининг тавсиялари берилди. Бунга қўшимча равишда 816 та қўлланма ҳам тарқатдик. Унда тиббий ҳамда жисмоний тарбия бўйича тавсиялар билан бирга 34 турдаги машқларнинг суратли намунаси ҳам жой олган.

Энг муҳими, энди аҳолининг оммавий спортга бўлган қизиқиши кун сайин ортмоқда. Буни юқорида келтирганимиздек, тадбирларимизда иштирокчилар сони кўпаётганлиги билан ҳам изоҳлаш мумкин.

Анвар БЎРОНОВ,
Жисмоний тарбия ва спорт вазирлигининг Сирдарё вилояти бошқармаси бўлим бошлиғи.

ЭЪЛОН

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2017 — 2021 йилларда гидроэнергетикани янада ривожлантириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида»ги ПҚ 2947-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида «Ўзбекгидроэнерго» АЖ қошидаги «4-сонли қурилиш дирекцияси» МЧЖ буюртмасига асосан, «Экостандарт Эксперт» консалтинг компанияси томонидан Бўстонлиқ тумани, Пском дарёсида «Муллалақ» ГЭСи қурилишининг атроф-муҳитга таъсири тўғрисидаги баёнот лойиҳаси ҳужжати тайёрланди.

Мазкур лойиҳа доирасида жорий йилнинг 19 ноябрь куни Бўстонлиқ тумани, «Узун» МФЙ биносида ушбу ҳужжат натижаларига бағишланган жамоатчилик муҳокамаси бўлиб ўтади. Муҳокамада лойиҳанинг тадқиқот натижаларига бағишланган тақдимот ўтказилади. Тақдимот сўнгида савол-жавоблар ва таклифлар тингланади.

Жамоатчилик муҳокамасига лойиҳа доирасидаги ҳудуд аҳолиси, тегишли ташкилот вакиллари ва барча қизиқувчиларни таклиф этамиз.

Учрашув ташкилотчиси:
«Ўзбекгидроэнерго» АЖ қошидаги «4-сонли қурилиш дирекцияси» МЧЖ.

Халқаро нигоҳ

ДЎСТЛИК МАСОФА ТАНЛАМАЙДИ

Якунига етаётган ҳафтада кенг жамоатчилик муҳокама марказидаги воқеалардан бири — Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг саммити бўлди. Аъзо давлатлар раҳбарлари кун тартибидаги халқаро ва минтақавий долзарб масалаларни муҳокама қилдилар, ўзаро долзарб муаммолар — пандемияни бартараф этиш ва иқтисодиётни тиклаш, инқироз таъсирида бўлган савдо алоқаларига оид ўз нуқтаи назарларини баён этдилар.

“Синьхуа” ахборот агентлиги билан ҳамкорликда тайёрланган материалда халқаро, хитойлик ва маҳаллий экспертлар мавжуд вазият тўғрисида ўзларининг қарашларини баён этди, ҳамкорлик учун яратилган платформалар турғунлик оқибатларини юмшатишда қандай ёрдам бериши мумкинлигини муҳокама қилди ва истиқболдаги муваффақиятли лойиҳалар билан боғлиқ масалаларни ўртоқлашдилар.

«ШАНХАЙ РУҲИ» ИЛҲОМЛАНТИРАДИ

10 ноябрь куни Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг навбатдаги саммити бўлиб ўтди. Аъзо давлатлар раҳбарлари коронавирус пандемияси шароитида ҳамкорликни кучайтириш ва глобал муаммоларни ҳал қилиш бўйича фикр алмашдилар.

Ривожланиш натижасида ШҲТ Хитой, Қозоғистон, Қирғизистон, Россия, Тожикистон, Ўзбекистон, Ҳиндистон ва Покистон аҳолисини қамраб олувчи кенг қамровли минтақавий тузилмага айланди. Ташкилотга аъзо мамлакатлар ҳудуди Евроосиёнинг 60 фоизидан кўпроғини, аҳолиси дунё бўйича деярли ярмини ва жаҳон иқтисодиётининг 20 фоизини қамраб олади.

— ШҲТ ташкил топгандан бери соғлом ва барқарор ривожланиш тамойилини сақлаб келмоқда. Ташкилот сезиларли натижаларга эришиб, минтақавий ҳамкорлик ва ривожланишнинг янги йўлини муваффақиятли ўзлаштирмоқда. Аъзо давлатлар миллий хусусиятларга жавоб берадиган тараққиёт йўлини, миллий хавфсизлик ва ижтимоий барқарорликни таъминлаш чораларини танлашда бир-бирини қўллаб-қувватлайдилар, — деди Хитой ташқи ишлар вазири ўринбосари Лэ Юйчэн.

— ШҲТ улкан салоҳиятга эга. У дунёдаги энг йирик ва энг нуфузли ташкилотлардан бирига айланди, — деб қўшимча қилади Россия Халқаро ишлар кенгаши президенти Игор Иванов.

Хавфсизлик масалалари ШҲТ фаолиятининг йўналишларидан биридир. И. Ивановнинг фикрига кўра, ушбу тузилма кўп қиррали халқаро ҳамкорликнинг самарали механизми ролини ўйнаб, глобал бошқарувнинг чуқур инқирози шароитида ҳам иқтисодий ҳамкорликни ривожлантиришда, илмий ва маданий ўзаро алоқалар масалаларида фаол иштирок этмоқда.

Ўзаро гуманитар ёрдам, тиббий экспертларнинг йўналишлари, шифокорларнинг халқаро видеоконференциялари — мухтасар айтганда, ШҲТ давлатларининг яқин ҳамкорлиги COVID-19 пандемияси даврида алоҳида аҳамият касб этди. Аъзо давлатлар эпидемияга қарши курашда бир-бирларини самарали қўллаб-қувватладилар.

Шу йилнинг 15 июль куни ШҲТ котибиятида коронавирус инфекциясига қарши курашиш доирасида Хитойдан ШҲТга аъзо давлатларга инсонпарварлик ёрдамини топшириш маросими бўлиб ўтди. Маросимда ташкилот Бош котиби Владимир Норов аъзо давлатларга COVID-19га қарши курашишда кўрсатган ёрдами учун миннатдорлик изҳор этди ва ҳамкорликдаги саъй-ҳаракатлар билан касалликнинг ташкилот маконида тарқалишини тўхтатиш мумкинлигига умид билдирди.

Бу, ШҲТ доирасидаги яқин ҳамкорликнинг бир кўриниши холос. Хитой Халқ Республикасининг Россия Федерациясидаги элчиси Чжан Ханьхуэянинг сўзларига кўра, бу ташкилот барқарорликни таъминлаш ва унинг ривожланишига кўмаклашишда муҳим роль ўйнаган минтақа давлатларининг бошқарувдаги фаол иштироки учун платформадир.

ШҲТга аъзо давлатлар Евроосиёдаги савдо-иқтисодий алоқаларда муҳим бўғинга айланди. Пандемия тақозосига кўра, халқаро авиақатновлар қамрови қисқарганида улар таъбир жоиз бўлса, “ҳаёт йўли”ни очди. Маълумотларга кўра, ХХР ва Европа ўртасидаги юк таркиби сони шу йилнинг биринчи ярмида ўтган йилнинг айни вақтидагига қараганда 36 фоиз ошди. Шу йилнинг май ойига келиб, ана шундай экспресслар ёрдамида 1,86 миллион дона (12 минг 524 тонна) эпидемияга қарши маҳсулотлар ташиб келинди.

“Шанхай руҳи” — ўзаро ишонч, ўзаро манфаатли натижа, тенг ҳуқуқлилик, маслаҳатлашув, цивилизациялар хилма-хиллигига нисбатан ҳурмат ва ҳамкорликда ривожланишга интилишдир. Бу ягона тақдирнинг минтақавий ҳамжамиятини ҳосил қилишда салмоқли ўрин тутади.

Си Цзиньпиннинг сўзларига кўра, ҳозирги вақтда халқаро муҳитда ўзгаришлар юз бермоқда, аммо тинчлик, тараққиёт, ҳамкорлик ва ғалаба қозониш билан ажралиб турадиган замон руҳи қайтарилмасдир. Халқаро алоқалар ва иқтисодий глобаллашувда кўп қирралиликнинг умумий тамойилига амал қилиш ва ШҲТнинг ягона тақдирига эга бўлган яқинроқ ҳамжамиятни яратиш учун биргаликда ҳаракат қилиш керак.

Хитой жамоавий фанлар академияси қошидаги Россия, Шарқий Европа ва Марказий Осиё институти директори, Хитой ва Россия стратегик ҳамкорлик ишлари кенгаши президенти ўринбосари Сунь Чжуанчжи таъбири билан айтганда, COVID-19 пандемияси поёнига етгач, ШҲТ ўзининг ноёб аҳамияти ва муҳим ролини яна намоён этади, шунингдек, ривожланиш учун янги имкониятларни кўрсатади.

Элчи Чжан Ханьхуэянинг фикрига кўра, қийинчиликларни енгиб, масъулият билан олға интилаётган ШҲТ эпидемиядан кейинги даврда минтақавий ва глобал бошқарувнинг асосий ҳаракатдаги кучига айланади.



БИОТЕХНОЛОГИЯ — ТЕЗКОР ТАРАҚҚИЁТ УЧУН

Хитой ва Ўзбекистон олимлари ҳамда мутахассислари ўртасидаги ҳамкорликнинг яна бир устувор йўналиши аграр муаммоларни ўрганиш, қишлоқ хўжалиги, фан ва технология соҳасида тажриба алмашиш ҳисобланади. Пандемия шароитида озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш муҳим стратегик омил сифатида янада долзарб аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси вице-президенти, академик Бахтиёр Ибрагимовнинг фикрича, ҳозирги вақтда Ўзбекистон ва Хитой илмий ҳамжамияти олдида мураккаб шароитда инсоният цивилизациясига давомий ҳисса қўшиш вазифаси турибди.

— Бу вазифаларни ҳал қилиш учун хитойлик жамоадошларимиз билан узоқ муддатли ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик ўрнатдик. Сўнгги йилларда Ўзбекистон ва Хитой Фанлар академиялари ўртасидаги илмий-техник ҳамкорлик ривожига оид келишувга (2018 йил, ноябрь ойи) асосан, икки давлат олимларининг табиий ва ижтимоий фанларнинг барча йўналишидаги, шунингдек, қишлоқ хўжалиги илми ва технологиясига оид самарали ҳамкорлиги изчил ривожланмоқда, — деб таъкидлади у.

Хитой қишлоқларида олиб борилаётган ислоҳотлар, тараққиётнинг асосий қоидалари ва шу йўналишда тўпланган тажрибалар, шунингдек, ушбу мамлакат олимлари ва мутахассисларининг қишлоқ хўжалиги фанлари ва технологиялари соҳасидаги ютуқлари Ўзбекистон учун катта аҳамиятга эга.

Айни вақтда қишлоқ хўжалиги соҳасидаги ҳамкорлик бир неча йўналишларда ривожланмоқда. Ўтган йил июль ойида Хитой қишлоқ хўжалиги фанлари академияси делегациясининг профессор Чжан Хэчэн бошчилигидаги ташрифи бу жараёнга катта туртки берди: икки мамлакат олимлари ва мутахассислари ўртасида асосий йўналишлар бўйича ҳамкорлик келишувларига эришилди. Асосий эътибор пахтачилик ва қишлоқ хўжалигининг бошқа йўналишида давомий ҳамкорликни ривожлантиришга қаратилди.

Хусусан, Хитой қишлоқ хўжалиги фанлари академияси ва Ўзбекистон селекция, уруғчилик ва агротехнология илмий-текшириш институти билан ҳамкорликда юртимизда 3,6 миллион доллар маблағ миқдорида пахтачилик лабораториясини ташкил қилиш ҳақида “Йўл харитаси” қабул қилинди.

Шунингдек, хитойлик селекционерлар томонидан етиштирилган трансген пахтанинг уруғларини Ўзбекистоннинг ўн уч минтақасида минг гектар майдонда навларни синаш учун сотиб олиш ва пахтанинг эрта пишиб етиладиган ва генетик жиҳатдан модификацияланган навларини яратиш бўйича қўшма тадқиқотлар ўтказиш режалаштирилган.

Айтиш керакки, бу ҳамкорлик тез орада самара беришни бошлади. 2020 йил январь ойида ХХТ патент бюроси Ўзбекистон олимлари томонидан ишлаб чиқилган пахта генларига оид инновацион технологияга патентни қўллаб-қувватлади.

Қишлоқ хўжалиги фанлари академияси академиги Бахриддин Зариповнинг айтишича, Хитой пахта ишлаб чиқаришга талаб бўйича дунё етакчиларидан биридир.

— ХХР замонавий сифатли биотехнологик усуллардан кенг фойдаланади, ҳашаротлар ва патоген микроорганизмларга чидамли пахтанинг янги навларини яратади. Шу сабабли, ўзбек олимларининг технологиялари учун Хитойда патент олиш ва ушбу мамлакатда уни тижоратлаштириш бўйича катта имкониятларга эга, — дея таъкидлади эксперт.

Аграр секторга инновацион технологияларни олиб кириш Ўзбекистон — Хитой ҳамкорлигининг асосий жиҳатларидан бири. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини маълумотлаштириш, интеллектуаллаштириш агроинновация соҳасига катта муваффақиятлар олиб киради. Бу эса озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш ва фермерларнинг даромадлари ўсишида муҳим роль ўйнайди.

Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги илмий-техник ҳамкорликда фаол иштирок этмоқда. Бу ҳамкорлик 2019 йил 1 ноябрдан бери Ўзбекистон ва Хитой ҳукуматларининг фан ва технология соҳаларида ҳамкорлик келишувида акс этган. 2019 йил 17 сентябрдаги ХХР Фан ва технология вазирлиги билан келишув доирасида энг яхши илмий лойиҳаларга махсус танлов эълон қилинди. Иккала томондан ҳам маъқул кўрилган 20 та энг яхши лойиҳа умумий 2 миллион доллар миқдорда молиялаштирилади. Натижада танловга 61 та лойиҳа топширилди, шулардан 55 таси техник экспертизадан ўтказилди. Улар орасида аграр соҳадаги лойиҳалар салмоқли ўрин эгаллайди.

Айни пайтда чекланган сув ресурслари муаммосини ҳисобга олган ҳолда, Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчилари Хитойнинг самарали суғориш усулларига катта қизиқиш билдираётир.

Масалан, Сирдарё вилоятининг Боёвут туманидаги “Хумоюн” фермер хўжалигида шу йил илк бор Хитойда ишлаб чиқилган технология амалиётга татбиқ этилди.

Фермер хўжалиги раҳбари Абдулла Бегматовнинг айтишича, томчилатиб суғориш технологияси қатор афзалликларга эга. Яъни сезиларли миқдорда сув, энергия, ишчи кучи, минераллар тежалади. Шунингдек, у гектаридан 40 — 45 центнер ҳосил олиш имконини ҳам беради.

Замонавий Хитой технологияси Ўзбекистон қишлоқ хўжалигининг бошқа жабҳаларида ҳам кенг қўлланилмоқда.

“Central Pulse” компанияси раҳбари Умид Мадаминовнинг фикрича, хитойлик мутахассислар ўзбекистонлик ҳамкасбларига агротехнологиянинг уруғ экишдан тортиб ҳосил олишгача замонавий услубларини ўргатмоқда. Шу туфайли қўл меҳнати улуши сезиларли равишда камайди, ишлаб чиқариш ошди, дуккакли донлар плантация майдонлари ҳажми ва ҳосилдорлиги ортди.

Умуман, икки томонлама ҳамкорлик қишлоқ хўжалигининг барча жабҳаларида юқори ривожланмоқда, шериклик соҳалари кенгаймоқда, асосий лойиҳалар сифати яхшиланмоқда. Қишлоқ хўжалигидаги давомий ҳамкорлик “Бир макон, бир йўл” глобал ташаббуси доирасида кенг истиқболларни яратмоқда.

О. ЛУТФУЛЛАЕВ
(«Халқ сўзи») тайёрлади.

ИНКОР ЭТИЛМАЯПТИ, БАЛКИ ТЎЛДИРМОҚДА

Хитойнинг “Бир макон, бир йўл” ташаббуси, шунингдек, “Барча инсониятга бир тақдир ҳамжамияти” концепцияси дунёнинг барқарор ривожланиши ва давлатлар ўртасидаги ҳамкорликда катта салоҳиятга эга.

Бу ҳақда Тошкент давлат шарқшунослик университетининг хитойшунослик факультети Хитой сиёсати ва иқтисодиёти кафедраси мудири, фалсафа фанлари доктори Анри Шарапов фикр юритди.

Унинг фикрича, ХХР Раиси Си Цзиньпин Қозоғистоннинг Назарбоев университетида “Ипак йўли иқтисодий белбоғи”ни биргаликда қуриш ташаббусини илгари сургани жаҳон иқтисодиёти интеграциясида янги давр бошланишини англатади.

— “Бир макон, бир йўл” ташаббуси Евроосиёнинг йирик иштирокчилари манфаатларини ҳисобга олади. Ўтган етти йил ичида у халқаро ҳамкорликнинг муҳим воситасига айланди. Кўпгина давлатлар катта маблағли шартномалар тузди. Ушбу ташаббус билан Пекинда форумлар бўлиб ўтди. Буларнинг барчаси ХХРнинг халқаро мавқеи ва имижини мустаҳкамлади, — деди А. Шарапов.

Экспертнинг таъкидлашича, бу концепцияларнинг давомли амалга оширилиши замонавий шароитларда жуда муҳим. Зеро, пандемия ва унинг салбий асоратлари жаҳон иқтисодиёти ривожига кучли таъсир ўтказмоқда.

ШҲТнинг “Бир макон, бир йўл” ташаббуси ва Евроосиё иқтисодий иттифоқини бирлаштиришдаги роли ҳақида гапирар экан, ўзбекистонлик эксперт ушбу ташаббуслар Евроосиёда ҳамкорлик қилишга қаратилгани, бир-бирини инкор этмаслигини таъкидлади, Унинг фикрига кўра, ШҲТ бу жараёнда муҳим роль ўйнайди.

Сиёсатчининг таъкидлашича, ШҲТ дастлаб чегаралар бўйлаб ишончни таъминлаш воситаси бўлган бўлса, энди ташкилотнинг функциялари янада кенгайган. Шу нуқтаи назардан, таълим, халқ дипломатияси соҳалари ҳамда хавфсизлик, халқаро хатарларга қарши туриш масалалари муҳокамасида давомли ҳамкорлик муҳим аҳамият касб этади.

ИПАК ЙЎЛИ: «РАҚАМЛИ» ВА «СОҒЛОМ»

Хитой халқаро тадқиқотлар институти етакчи илмий ходими, ШҲТни ўрганиш бўйича Хитой маркази бош котиби Дэн Хаонинг фикрича, COVID-19га қарши биргаликдаги кураш жарёнида янги тажриба, технология ва услублар ШҲТ доирасидаги ҳамкорликда қўшимча йўлларни очди.

ШҲТ ташкил топганидан бери 19 йил мобайнида ушбу ташкилот ўз фаолиятини мунтазам равишда кенгайтирмоқда ва катта салоҳиятга эга халқаро ташкилотга айланмоқда. 2017 йили унга тўлиқ ҳуқуқли аъзо сифатида Ҳиндистон ва Покистон қўшилди. 8 та аъзо давлат, 4 та кузатувчи мамлакат ва мулоқот бўйича 6 ҳамкордан таркиб топган катта “оила” ўз яшовчанлик қобилиятини янада равшан кўрсатмоқда.

Дэн Хаонинг таъкидлашича, COVID-19 эпидемиясининг глобал ёйилиш шароитида ШҲТга аъзо давлатлар бирдамлиги ва кучини намойиш этган ҳолда бир-бирини самарали қўллаб-қувватламоқда.

Пандемия даврида ШҲТ аъзолари томонидан ХХРга катта руҳий ва моддий кўмак кўрсатилди. Ўз ўрнида, Хитой ҳам коронавирус тарқалишига қарши курашда аъзо давлатлар билан биргаликда фаол ҳаракат қилди: тажрибаси билан ўртоқлашди, моддий ва техник ёрдам тақдим қилди. Бу билан ўз масъулиятини намоён этиб, ўзига нисбатан юқори баҳони қўлга киритди.

Экспертлар фикрича, пандемияга қарши курашда Хитой тўплаган муваффақиятли тажриба ва фавқулодда вазифаларни бошқариш қобилияти ШҲТга аъзо бошқа давлатлар учун муҳим андоза вазифасини ўтади. Бу, ўз навбатида, “Соғлом ипак йўли”ни бирга қуришда ёрдам беради.

Дэн Хао таъкидлаганидек, Хитойда пандемияни назорат қилиш ва ишлаб чиқаришни янгилашда рақамли технологиялардан кенг миқёсда фойдаланилмоқда. Мамлакат электрон тижорат, сунъий интеллект, онлайн таълим ва телетиббиёт каби соҳалар ривожига куч бермоқда. Бу омиллар эса ШҲТ мамлакатларига иқтисодий қийинчиликлардан чиқиш ва “Рақамли ипак йўли”ни бирга қуришда янги имкониятлар эшигини очади.

ШҲТга аъзо давлатларнинг “Бир макон, бир йўл”ни биргаликда қуриш жабҳасидаги ҳамкорлиги ҳақида гапирар экан, Дэн Хао минтақа бу ташаббусни амалга оширишда асосий роль ўйнашини таъкидлади. Лойиҳа доирасидаги ҳамкорлик ўзаро алоқаларни ривожлантириш, транспорт инфраструктураси, логистика, энергетика, қишлоқ хўжалиги, фан ва техника, молия, таълим, рақамли иқтисодиёт каби соҳаларда инновацион шерикликни кучайтириш, бошқарувда янги моделлардан фойдаланиш, саноат трансформацияси ва модернизациясида янгиликларни ўзлаштиришга йўналтирилди.

ШҲТга аъзо мамлакатлар иқтисодиётни ривожлантириш ва жонлантириш масалаларида позициялари ўхшаш, “Барча инсониятга бир тақдир ҳамжамияти” концепциясининг афзалликларини кўрмоқда. Шу муносабат билан ўзаро ишончни ошириш, шунингдек, хавфсизлик соҳасида янги концепцияни жорий этиш, “ёвузликнинг уч кучи”га қарши биргаликда курашиш ва ноанъанавий тафдидларнинг олдини олиш, назоратини кучайтириш учун сиёсий соҳадаги стратегик алоқаларни мустаҳкамлаш муҳим аҳамиятга эга. Пандемия, иқлим ўзгариши ва табиий офатлар олдидаги хавфсизлик шулар жумласидандир.

Савдо-иқтисодий соҳада ШҲТга аъзо давлатлар минтақавий интеграция ва ривожланишга эришиш учун ўзаро манфаатларга риоя қилишлари шарт. Шунингдек, гуманитар соҳада ушбу мамлакатлар халқлари ўртасида маданий алмашинув ва алоқалар мустаҳкамланиши керак.

— COVID-19 пандемияси ШҲТ бошқарув қобилиятларини жиддий синовдан ўтказди, — дея хулоса қилади эксперт. — Инфекция чегара билмайди ва барча давлатлар тақдири ўзаро боғлиқ. Фақатгина бир-бирига ёрдам кўрсатиш ва қўлни-қўлга бериб ишлаш орқали биз, якуний ҳисобда ғалабани нақдлаймиз ва қийинчиликни енгиб ўтамиз.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1156. 30 509 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — М. Каримова.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 23.20 Топширилди — 00.50 1 2 3 4 5 6